МУСАВВИРНИНГ ЯНГИ АСАРИ

ТОШКЕНТ. Алломаларимиздан бири Абдул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Кассир ал-Фарғоний Ғарбда ҳам буюк астроном, жуғрофия, математика олими сифатида танилган. Зеро, ватандошимизнинг қиёфаси қандай бўлганини ҳеч ким билмайди. Шу боис рассом, таврихий мавзулар устаси, академик Малик Набиев олим қиёфасини мойбўёқда яратишга эришди. Фарғоний иш устида, изланаётган ҳолатда гавдалантирилди. Дарчадан кўриниб турган Нил дарёси тасвирни бойитган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ

ЯПОНИЯ УСКУНАЛАРИ СОЗЛАНМОҚДА

НУКУС. Республикадаги АТСлар қайта таъмирланмоқда. Телекоммуникация ва почта агентлиги Японияниг «Мицуи» фирмаси билан шартнома тузиб, «Неах — 61Е» русумли ускуналар келтирди ва уларни созлашга киришди. Шаҳардаги 2-4 АТСлар ўрнида ўн минг, 3-6 АТСлар ўрнида ҳам ўн минг нуқтали станциялар жиҳозланмоқда. Тўққиз минг абонентга хизмат кўрсатувчи шаҳарларо телефон станцияси қуриб битказилди. Шишасимон толаузаткичлардан фойдаланилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

ФАРҒОНАЧА «АЛПОМИШ»

Фарғона. «Алпомиш» достони асосан Сурхондарё воҳасида яратилган, деб ҳисобланади. Бироқ, бу асарнинг фарғонача ижроси ҳам бор. Достоннинг бу нусхасини адабиётшунос Юсуф Султон 1937 йили Учкўприк туманидаги Қумариқ қишлоғида Бўри бахши Содиқ ўғлидан ёзиб олган. Бўри бахши эса ўз навбатида акаси Жўра шоирдан, у эса отаси Содиқ шоирдан ўрганган экан. Улар Амир Умархон даврида машҳур бўлган Тулай бахшидан достонни ёд олишган.

Алишер ИБОДИНОВ

АДИБНИ ҚУТЛАБ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Уни табриклаш учун ёзувчилар, шоирлар, қўшни давлатлардаги ҳамкасблари, ёру биродарлари, дўстлари, шогирдлари бу ерга ташриф буюрди.

Кечани республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошқарди.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётгани учун О. Ёқубов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу ҳақдаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов ўқиб эшиттирди. Адибга Президентимизнинг махсус совғаси топширилди.

Кечада сўзга чиққан маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Тўлапберган Қаипберганов ва бошқалар Одил Ёқубов адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, уни қутлуғ ёши билан муборакбод этдилар.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 19 май, сешанба • № 59 (22.296).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЮЗАСИДАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ўтказилган текширишлар жойлардаги ҳокимликлар ва бозор раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли Республика Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги 82-сон қарори ҳамда «Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом» ижролари қониқарсиз ташкил қилинганлигини кўрсатмоқда.

Илгаригидек, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бозорларида деҳқон ва фермерларга етиштирилган маҳсулотларини сотиш учун зарур шароитлар яратилмаган. Олибсотарлар, турли жиноий тизимлар ҳамда бозорлар маъмурияти ходимлари ва раҳбарларининг ўзлари томонидан товламачилик, қонунсиз йиғимлар, тазйиқ ўтказиш ҳолатлари ўрин олиб келмоқда.

Маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита шартномаларни тузиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларга олиб келиш, сақлаш ва қўриқлаш масалалари ташкил қилинмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан бозор раҳбарлари лавозимларига ҳалол, соф виждонли одамларни танлаш масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўпинча бу лавозимларда ўз мансабига текин бойлик ва даромад орттириш воситаси сифатида қаровчи тасодифий одамлар қолмоқда.

Бозорлар фаолиятидан тушадиган маблағ ва даромадлар назоратсиз тасарруф этилмоқда ва ўзлаштирилмоқда.

Бухоро, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳри бозорларини акциядорлик жамиятларига айлантириш ҳамон пайсалга солиниб, чиқарилган акцияларнинг кўп қисми сотилмай қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон вилоятларидаги бозорлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида хўжаликлар, фермерлар ва аҳоли билан фьючерс шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш суст амалга оширилаётир.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб-сотиш, валютафурушлик, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини ғайриқонуний сотиш, фирибгарлик ва бошқа жиноятларнинг камайишига ҳанузгача эришилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий камчиликларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ҳамда Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг жойлардаги идораларининг юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш, республика бозорларида зарур тартиб ўрнатиш борасидаги ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин. Улар ишнинг ушбу соҳаси учун шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига:

— бозорлар фаолиятини ташкил қилишда масъулиятсизликка йўл қўйган туман, шаҳар ҳокимларини интизомий жавобгарликка тортиш;

— икки ҳафта муддатда деҳқон бозорлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш юзасидан комиссия тузиш;

— бозорларнинг лаёқатсиз, нопок раҳбарларини ўз вазифаларидан озод қилиш, уларнинг бозор маъмуриятларидаги бошқа лавозимларда қолишига йўл қўймаслик;

— бозорларни ободонлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш;

— аҳолини қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш, бозор маъмуриятлари ходимлари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўриш юклансин.

3. Кўрилган чоралар ҳақида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. М. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. А. Алматов) ва Давлат солиқ қўмитаси (В. С. Беганов)га бозорлар фаолиятини ташкил қилиш устидан назоратни янада кучайтириш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (С. М. Мирсафоев), Олий хўжалик суди (М. Э. Абдусаломов) бозор маъмуриятлари томонидан маҳсулот етказиб бериш ҳақида тузиладиган шартномаларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалий тадбирлар кўрсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 16 май.

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани марказида қад ростлаган янги тўқимачилик мажмуи айни кунларда ўзининг сифатли маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда танилиб қолди. Ҳатто Германия, Туркия, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатларининг савдо ташкилотлари ҳиссадорлар билан шартнома тузишган. «Гуртекс» ҳиссадорлик жамияти вакиллари Швейцария, Германия, Италия, Туркия ва Австриянинг илғор фирмаларидаги энг замонавий дастгоҳлару асбоб-ускуналарни келтириб ўрнатишган. Шу боис ҳам корхонада йилига 2 минг 600 тонна жаҳон талабларига мос келадиган калава, 2 минг 100 тонна трикотаж газламаси ва 8 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ватанимизда эса корхона маҳсулотлари тезда сотиб олинаяпти. Аёллар ҳам, болалар ҳам хурсанд. Маҳсулотнинг арзонлигини айтмайсизми? Мисол учун Хоразм вилоятида спорт майкасининг нархи 48 дан 56 сўмгача. Аёллар жемпери 160 дан 170 сўмгача нархда сотилмоқда. Ёш корхона ижодкорлари янги-янги маҳсулот турларини яратиш борасида изланишлар олиб боришмоқда.

СУРАТДА: корхона цехларидан бирида.

Саъдулла БОБО олган сурат.

Бу дунёнинг ишлари

КЛИНТОН РОССИЯГА КЕЛАДИМИ?

Шу йилнинг июль ойида АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Россияга келади. Бу ҳақда Россия давлати раҳбари Борис Ельцин журналистларнинг саволларига жавоб бераётганда айтди. Бироқ, Россия Федерацияси Президентининг халқаро масалалар бўйича ўринбосари Сергей Приходько ҳали бундай келишувга эришилмаганлигини айтди. Унинг айтишига қараганда, икки мамлакат ўртасидаги аввалги шартномалар Давлат Думаси томонидан ратификация қилингандан сўнг бу ҳақда ўйлаб кўриш мумкин.

НАТОНИНГ ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

НАТОнинг Данияда бўлиб ўтадиган ҳарбий машқларида пиёда қўшинлари, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари иштирок этади. 17 мамлакатдан келган аскарлар орасида 3 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи бор. 30 дан зиёд учиш аппаратлари, 30 га яқин ҳарбий кема иштирок этади. НАТОнинг ушбу машқларида Россия бўлинмалари ҳам иштирок этади. Бу ҳақда НАТОнинг Брюсселдаги штаб-хонасидан хабар қилишди. Машқларда қатнашаётган 17 мамлакатнинг 11 таси шимолий иттифоқнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича шерикларидир. Машқлар асосан Фредериксхавн шаҳри атрофидаги Ютландияда бўлиб ўтади. Машқлар 29 майда якунланади.

ЖИДДИЙ ТАШВИШ ТУҒДИРДИ

Осиёдаги молиявий инқироз оқибатларини бартараф этиш қатор давлатлар учун жиддий ташвиш туғдиргани маълум. Сингапур бу муаммони енгиб ўтиш билан бирга муайян даражада иқтисодий ўсишга ҳам эришмоқчи. Минтақавий таназзулдан нисбатан камроқ жабр кўрган бу мамлакатда ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичнинг ўсиш суръати 1998 йилда 2,5-4,5 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи миллий маҳсулот ўсиши 5,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1997 йилнинг сўнгги чорагида 4,6 га тенг эди.

ЭНДИ ОСЛОДА УЧРАШИШМОҚЧИ

Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат билан Исроил собиқ бош вазири Шимон Перес келгуси ҳафтанинг бошларида Ослода учрашишмоқчи. Уларнинг нияти — икки мамлакат ўртасидаги музокаралар жараёнини боши берк кўчадан олиб чиқиш. Бинобарин, ана шу икки раҳбар икки давлатнинг дастлабки музокараларини бошлаб беришган эди.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ИСЛОМ ЖАНГАРИЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЯШИРИН ТАШКИЛОТ ФОШ ЭТИЛДИ

Россияда чиқадиган «Независимая газета» ёзишича, Қирғизистонда ҳали балоғатга етмаган ёшларни ислом давлатларидаги диний жангарилар тайёрлайдиган яширин лагерларга жўнатиш билан шуғулланиб келган бир гуруҳ чет эллик фуқаролар қўлга олинди. Бу ҳақда ўтган ҳафта душанба куни Бишкек шаҳрида ўтказилган брифингда Қирғизистон Миллий хавфсизлик вазири Мисир Аширқулов маълумот берди.

Брифингда Миллий хавфсизлик вазирлиги тарқатган расмий маълумотга кўра, тезкор-қидирув ишлари натижасида қонунга зид равишда экстремистик фаолият кўрсатган ҳамда ўз тарафдорларини ислом давлатларига ўқишга юбориш билан шуғулланиб келган яширин ташкилот фош этилди. Бу яширин ташкилотнинг Қирғизистонда аъзолари, шунингдек, низоми бор.

Миллий хавфсизлик вазирлиги баёнотида қайд этилишича, текширув вақтида чет эл фуқароларидан ўн бешта патрон билан газли револьвер, Қирғизистон, Хитой, Туркия — жами 9 давлатнинг паспортлари, 74 минг доллар, шунингдек, Қирғизистонга қўшни мамлакатларнинг валютаси, жиҳодга даъват этадиган юзлаб аудио ва видеокассеталар, аксарияти экстремистик руҳдаги қўплаб адабиётлар топилган.

«Экстремизм, — дейилади Миллий хавфсизлик вазирлиги баёнотида, — у қаёқдан келаётган бўлишидан қатъи назар, барибир Қирғизистон Миллий хавфсизлик вазирлиги ташкилотлари келгусида ҳам бу хавф мамлакатга ёйилиб кетишининг олдини олиш учун энг қатъий чора-тадбирларни кўради».

Брифингда жаноб Аширқуловнинг таъкидлашича, Қирғизистонда турли хил диний гуруҳлар, жумладан, ислом динида ашаддий экстремистик оқим саналган ваҳҳобийларнинг ҳам раҳнамолари бор. Бу раҳнамолар ва тажовузкор диний гуруҳларнинг фаолияти мамлакатдан ташқарига чиқиб кетган. Миллий хавфсизлик вазирлиги баёнотида бу ҳақда шундай дейилади: «Агар вазият тақозо этса, келгусида Ўзбекистон ва Тожикистон Миллий хавфсизлиги вазирликлари билан ҳамкорлик қиламиз».

Шунингдек, «Независимая газета» таъкидлашича, жаноб Аширқулов Қирғизистон контрразведкачилари Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон ҳамкорлигида майда Москвада ўтказишни мўлжаллаётган тадбирларда қатнашишга тайёр эканини таъкидлаб ўтди. Вазирнинг фикрларига қараганда, мамлакатда ваҳҳобийлик оқимининг ёйилиши ва вазиятнинг кескинлашишига яна қўшни Тожикистон ҳудудида жангарилар тайёрлайдиган яширин лагернинг фаолият кўрсатаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

ТОЖИКИСТОН

Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги хабар қилишича, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Тожикистонда ислом давлати ўрнатилишига йўл қўйилмаслигини таъкидлади. Тожикистон раҳбари республика ёшлари билан учрашувда Тожикистоннинг давлат тузилмаси бундан 30-40 йил ўтганидан кейин ҳам ўзгармаслигини айтди.

И. Раҳмонов қатъий қилиб демократик, дунёвий давлат барпо этиш йўлининг ўзгармаслигини уқтирди. «Жамиятимизда ислом фундаментализмига ҳам, ислом экстремизмига ҳам ўрин бўлмайди», — деди у.

Президент сўзида давом этиб, «Яқинда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти жанубдан ислом фундаментализми кўринишлари хавфи сезилаётганини тан олди», деб қайд этди. Бу ҳодисага қарши биргаликда кураш олиб боришга келишилди ва «Республика раҳбарияти бундай қадам ташлаш фавқулодда муҳим эканлигидан келиб чиқиб, шундай альянсда иштирок этишга розилик берди».

И. Раҳмоновнинг эътироф этишича, «Тожикистон халқига фундаментализмнинг моҳияти яхши маълум. 1992 йили бу оқим ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатган эди». Тожикистон раҳбарининг фикрига кўра, агар «Тожикистон Ислом уйғониш партияси ҳокимиятни қўлга киритишга интилмаганда эди», 1992 йили мамлакатда «фуқаролар уруши бошланмаган бўлур эди».

Тожикистон Президенти гиёҳванд моддаларнинг қонунсиз равишда савдо-сотиқ қилинишини Тожикистоннинг «миллий фожиаси» деб тилга олди. Ёшлар билан учрашувида давлат раҳбари гиёҳванд моддалар савдоси мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётганини қайд этди. И. Раҳмоновнинг сўзларига қараганда, 1997 йили Тожикистонда 4 тоннаю 600 килограмм гиёҳванд модда қўлга олинган. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний сотилиши қўшни республикалар учун ҳам хавф туғдиради, деди Президент.

Расмий хабарларга кўра, лакатда «фуқаролар уруши бошланмаган бўлур эди».

Тожикистон Президенти гиёҳванд моддаларнинг қонунсиз равишда савдо-сотиқ қилинишини Тожикистоннинг «миллий фожиаси» деб тилга олди. Ёшлар билан учрашувида давлат раҳбари гиёҳванд моддалар савдоси мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётганини қайд этди. И. Раҳмоновнинг сўзларига қараганда, 1997 йили Тожикистонда 4 тоннаю 600 килограмм гиёҳванд модда қўлга олинган. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний сотилиши қўшни республикалар учун ҳам хавф туғдиради, деди Президент.

Расмий хабарларга кўра, да қўлга туширилган, шунинг 100 килограммини героин моддаси ташкил этади, дейди Президент.

Унинг сўзларига қараганда, гиёҳванд моддалар савдоси билан мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кўплаб ходимлари ҳам шуғулланади. Шунинг учун бўлса керак, дейди И. Раҳмонов, «Бугунги кунда гиёҳванд моддаларни қонунсиз равишда ташишни тергов қилиш бўйича бironта ҳам жиноий иш судга оширилмаган».

ТУРКМАНИСТОН

Туркманистонда 18 май дам олиш куни деб эълон қилинган. Республика, мана, олтинчи йилдирки, Уйғониш ва бирдамлик кунини нишонлаяпти. 1992 йили шу куни Туркманистоннинг янги Конституцияси қабул қилинган эди. Унда демократик ҳуқуқий давлат қуриш Туркманистонда давлат тараққиётининг асосий мақсади тарзида қайд қилинган. Байрамни қандай нишонлаш бўйича бирон-бир расмий тадбир кўзда тутилган эмас.

Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ва Мари вилояти божхона ходимларининг қўшма операцияси вақтида Туркманистон темир йўлининг Майская станциясида 7,5 тонна наша қўлга олинди. Гиёҳванд моддалар Афғонистонда икки бўлмали контейнерда келтирилган. Миллий хавфсизлик қўмитасининг Мари вилояти бошқармаси тергов олиб бораяпти.

Бундай ҳодисалар кейинги пайтларда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тажрибасида тез-тез учраб турибди. Бундан сал олдин Туркманистон орқали транзит йўли билан ўтаётган поезддан 7 тонна сирка ангидриди топилди. Бу дори тез таъсир кўрсатувчи

Қўшни мамлакатларда

гиёҳвандлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. 1997 йилнинг ўзида биргина Мари божхонасида 20 тоннадан ошиқ гиёҳванд модда ташилаётганда қўлга тушди, 1996 йили эса бутун республика бўйича 16 тонна заҳри қотил қўлга олинган эди.

РОССИЯ

Валерий Зубов маҳаллий сайлов комиссияси баённомаларини кўриб чиқиш ниҳоясига етишини кутиб ўтирмасдан, маглубиятини билди ва телевидениенинг тўғридан-тўғри кўрсатуви орқали рақиби — Александр Лебедни Красноярск ўлкаси губернаторлигига сайловда ғалаба қозонгани билан табриклади. Қизиги шундаки, худди шу дақиқаларда рақиби телевидениенинг бошқа студиясида эди. В. Зубов овоз бериш натижалари билан баҳслашиб ўтиришни истамаётган бўлса ҳам, «прокуратура иш қўзғаши мумкин»лигини қистириб ўтишни унутмади.

Хорижий матбуот материаллари асосида Шодиқул ҲАМРОЕВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА ДЕЙИЛАДИ

— Ҳаётдаги яхшилигу ўзгаришларни йиллар билан эмас, кунлар, ойлар билан ўлчайдиган бўлиб қолдик. Халқнинг турмуши қандай, дастурхонида, ҳовли-жойида ўзгариш борми, деган сўровларга маҳалламизнинг ўзидан жавоб топаяпмиз-да, энди, — деб йўл-йўлакай гап бошлади Анваржон ота. — Шу десангиз, йилдан-йилга моддий мададга муҳтож оилаларнинг сони камайиб бормоқда. Ёрдам пули сўраб ариза ёзиш хаёлидан кўтарилди-ёв, деб бирортасининг хонадонига борсангиз, кўпчилик: «ака, қийналиб қолган пайтимизда ёрдам бердинглар, раҳмат, энди буёғи ўзимизга тан, ишга жойлашдик, завод тирикчиликка етадиган мояна бериб турибди», дейишади денг.

Анваржон ота Шерматов Қўқон шаҳридаги «Навбаҳор» номли 43-маҳаллада яшайди. Уруш йилларидан то нафақага чиққан 1986 йилга қадар темир йўлда — машинист ёрдамчиси, машинист бўлиб ишлаган. Бутун умри машаққатли меҳнат билан ўтган. Ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини кўп кўрган. У кишини яна суҳбатга тортаман.

— Баъзан кун бўйи чойхона тўрини бировга бўшатмайдиган тўрт мучаси соғ, ёш йигитларни моддий ёрдам сўраб маҳаллага ариза кўтариб чиққанларини кўрганингда, ҳа эссиз умр, эссиз ёшлик деб ачиниб кетасан, киши. Аслида ишлаган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Ишёқмас, боқиманда одамда субут нима қилсин, ғийбату ғавғодан боши чиқмайди, энг ёмони — бундай одамнинг иймони суст, бурди бузуқ бўлади.

Одамлар билан суҳбатлар асосида шаҳарга тааллуқли айрим фактларни ҳам ёдга олдик. Қўқон шаҳри Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида бир мавқега эга. Шаҳарда 30 дан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Шаҳарнинг катта-кичик бозорлари (уларнинг сони 7 та) мамлакатимиз тижорат аҳли орасида ўзининг молларга сероблиги билан машҳур. 200 мингдан зиёд аҳоли 61 та маҳаллада истиқомат қилишади. Истиқлол имкониятларидан омилкорлик билан баҳрамандлик туфайли савдо ва маиший хизмат бинолари ўзига хос миллий-меъморий услубда жадал бунёд этилмоқда. Тарихий маълумотларга қараганда, асримизнинг 20-йилларига қадар шаҳарда 100 га яқин каттакичик маҳаллалар бўлган. Мустақиллик туфайли халқимиз учун анъанавий маҳалла бошқарув усули ҳам Қўқонда биринчилар қатори жорий қилинди.

Маҳалла — қўқонликлар ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмига айланиб қолганлигини шаҳарга ташриф буюрган ҳар бир киши дастлабки қадамларданоқ сезиб туради. Кўплаб маҳалла масканларида ва гузарлардаги чойхоналарда бирда хушчақчақ, бирда оғирвазмин суҳбат қуриб ўтирган чоллар давраси қиёслаш жоиз бўлса «Маҳалла парламенти» дегингиз келади. Бу ерда шоиримиз «ўтган-кетган, паст-баланд, гоҳ калла, гоҳ туёқдан» деганларидек — ширин хотиралар баҳсмунозараларга, оддий ҳаётий тажриба ибратли ташаббусга, гап орасида шунчаки айтилган фикр амалга оширса бўладиган ёруғ бир ниятга айланиб кетишини сезмай қоласиз. Энг муҳими, маҳалла нима билан нафас олмоқда, одамларни нималар ташвишлантирмоқда, ким нимага муҳтож, одамларнинг қай бир эзгу ишлари маъқул бўлмоқда, кимкимни корига яради — барча-барчаси отахонлар назарию нигоҳидан четда қолмайди. Шу орқали ҳар бир инсон элу юрт ўртасида муносиб баҳосини олади.

Маҳалла идорасининг жиҳозланиши ҳам кўп нарсани белгилайди. Дегрезлик номли 16-маҳалла (раиси М.Мирзааҳмедов) масканида мамлакатимиз қонун ҳужжатлари, Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари нашрлари, тараққиётимиз дастурлари бўлмиш йўлбошчимиз асарлари, маънавият ва маърифатга оид китоблар, газета ва журналлар тахламлари мавжуд бўлиб, одамлар китоб ва матбуот нашрларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Кўпчиликнинг газеталарга якка тартибда обуна бўлишга қурби етмаслиги мумкин. Маҳалла идорасидаги газеталар тахламларидан эса бу ерга келган ҳар бир киши баҳраманд бўлади. Афсуски, айрим маҳаллаларда, жумладан «Ҳурлик» номли 55-маҳаллада (раиси М.Мўминов) республика нашрларига обуна йўқ. Бундай аҳволни «Бўстон» номли 53-маҳалла (раиси М.Маҳмудхўжаев), Акмал Икромов номли 58-маҳалла (раиси Ҳ.Умаров)ларда ҳам кузатиш мумкин.

Бевосита маҳалла ва халқ орасида ўтаётган оммавий-маърифий ишлар аҳволи билан танишганимизда, Наманган ва Андижон вилоятларида ақидапарастлик билан боғлиқ жиноятлар содир бўлгандан кейин шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари аҳоли ўртасида кенг миқёсли тушунтириш ишларини олиб борганлиги маълум бўлди. Фақат бундай тадбирлар мавсумий тарзда эмас, доимий ва изчил амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу ўринда маҳаллалар аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилишини алоҳида таъкидлаб, «Камолот» жамғармаси фаолиятини бирор-бир тарзда сезилмаслигини, ҳатто кўпчилик ёшлар жамғармаси номини, унинг мақсад-вазифаларини яхши билмаслигининг гувоҳи бўлдик. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Чунки, амалий иш, аниқ мақсадларни кўзлаган тадбирлар, ёшларни қийнаётган муаммолар ечимини ўз вақтида ҳал қилишга кўмаклашиш — ташкилот номини халққа танитади, уни эътирофга мушарраф қилади. Бундай фаолият бўлмаган жойда эса Қўқондагидек аҳволга дуч келаверамиз. Қўқон шаҳри, Бешариқ, Ўзбекистон, Данғара, Фурқат, Учкўприк туманлари фаоллари йиғилишида ҳам «ёшлар тарбияси, аҳолининг бандлигини таъминлашга барча фуқаролар йиғини, «Камолот», «Маҳалла» жамғармаси зарур эътибор қаратмаётганлиги» кескин танқид қилинганлигида жон бор.

Давлатимизнинг «Ислоҳот инсон учун» деган устувор сиёсатининг амалий ижобатини ва ҳукуматимизнинг одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги изчил йўлини маҳаллаларда яққол кўриш мумкин. Айниқса, халқимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда 1998 йилни — Оила йили деб эълон қилинганлиги жуда катта воқеа бўлди. Хусусан, Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида: «Оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ижтимоий сиёсатимизнинг тамал тошидир. Миллий руҳиятининг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла қўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг қўллаб-қувватланди», деб мазкур ижтимоий тадбир аҳамияти алоҳида уқтирилган. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга «Бўстон» номли 53-маҳалла, «Ширин» номли 54-маҳалла, «Ноиб кўприги» номли 12-маҳаллада чуқур ин-

Менда таклиф бор

АЛПОМИШ ИЗИДАН...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорида амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Мазкур қарорга халқ оғзаки ижодида фаолият кўрсатувчи энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида теле-видеофильмлар яратиш ишларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилиши, 100 жилдлик «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» тўпламларини 2001 йилдан бошлаб нашр этишга киришиш зиммамизга жуда катта масъулият юклайди.

Йўлбошчимиз топширган «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» юз жилдлигини амалга ошириш учун биргина мавжуд архив материаллари камлик қилади, албатта. Халқимиз орасида сочилиб ётган ва оғзаки тарзда жонли анъаналарда яшаб келаётган фольклор намуналарини ўрганиш ва ёзиб олиш, энг яхши матнларни нашрга тайёрлаш, улар устида жиддий илмий тадқиқотлар олиб бориш фольклоршуносларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Биз ана шу ақидадан келиб чиқиб, «Алпомиш изидан» халқаро илмий экспедиция ташкил этилишини таклиф қиламиз. Мазкур экспедициянинг халқаро миқёсда ташкил этилишининг сабаблари ва катта аҳамияти бор, албатта. Маълумки, «Алпомиш» достони жаҳондаги жуда кўп туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган. Баъзи тадқиқотчилар эпоснинг уч талқини бор десалар, баъзилар эса тўрт талқинга эга деб таъкидлайдилар. Биринчиси -- Қўнғирот талқини. Бунга ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ турклари ўртасида тарқалган «Алпомиш», «Алпамыс» номларидаги мукаммал достонлар киради.

Иккинчиси -- ўғиз талқини. Бунга туркий халқлар, хусусан озар, туркман, турк, ўзбек ва бошқа халқлар орасида яшаб келаётган «Дада Қўрқут достони» унинг таркибидаги «Бамси Байрак» ҳикояларидир.

Учинчиси -- қипчоқ талқини. Бу татар, бошқирд, абхаз ва унга яқин бошқа халқлар оғзаки ижодидаги «Барчин Сулу» каби асарлардир. Тоғли Олтойда тарқалган «Алп Манаш» достонини тўртинчи талқинга киритиш мумкин.

Бу асарларни мунтазам ўрганиш, қиёсий-типологик таҳлил қилиш қанчалик зарур ва керакли бўлса, шунчалик қийин ва мураккабдир. Шу боисдан ҳам биз, кўпчилиги асосан ёшларга таяниб режалаштираётганимиз «Алпомиш изидан...» халқаро илмий экспедиция олдида ҳам жуда қийин ва қамрови ниҳоятда кенг, аммо мақсад-ниятлари аниқ-равшан вазифалар туради. Экспедиция, айтиб ўтилганидек, асосан ёшлардан ташкил топади ва уч босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич. Ўзбекистонимиз ҳудудида амалга оширилади. Бу асосан Жанубий Ўзбекистон воҳасининг, яъни ҳозирги Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ-туманлари бўйлаб бир ой давом этади. Бунда Алпомиш номи билан боғлиқ афсонавий ва тарихий жойлар, ерлар ва уруғлар, Термизнинг шимолида жойлашган ва достонда мароқ билан куйлаган ўн олти уруғ вакиллари билан учрашиб, материаллар ёзиб олиш; Жарқўрғон, Бойсун каби туманлардаги кўҳна қўл -- Ойнакўл, «Барчин супа», «Сариқамиш тўқайи», «Алпомиш зиндони», «Чилбир чўли», Бобатоғ, Арпали чўли, Бойсун тоғи, Арпали, Кўҳитанг, «Таллашган» (Алпомишнинг тулпори Бойчибор билан қалмоқ Кўкалдошнинг оти Кўкдунон талашган дашт), Кўҳитанг тоғлари орасидаги Пошхурт қишлоғидаги эски қўрғон ва чоҳ-зиндон вайроналари, Алпомишнинг оти -- Бойчибор ем еган Сирдарё соҳилларидаги қадимий жойлар атамалари, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги (Задарё, ҳозирги Мингбулоқ тумани) қамишзорлар ичидаги «Алпомиш» мозори каби жойлар ва атамалар ўрганилади, баҳодирлар ҳақидаги катта-кичик асарлар ёзиб олинади.

«Алпомиш изидан...» халқаро илмий экспедициянинг иккинчи йўналишини Марказий Осиё минтақалари ва Узоқ - Ўрта Шарқ мамлакатларига ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон, Тожикистон, Туркманистон, шунингдек, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия каби жойларда яшовчи миллатлар орасидан Алпомиш излари изланади.

Учинчи йўналишда Татаристон, Бошқирдистон, Озарбойжон, қисқаси Кавказолди ва Кавказорти мамлакатлари, шунингдек, Тоғли Олтой, Бессарабия, Молдова каби бир қатор юртларда яшовчи туркий халқлар фольклорларини ўрганиш кўзда тутилади... Шундай қилиб, «Алпомиш», «Алпамыс», «Алп Манаш», «Барсин сулу», «Дада Қўрқут» (Бамси Байрак ҳикоялари) каби достонлар, уларда тасвирланган қаҳрамонлар-баҳодирларга оид бебаҳо маълумотларни, материалларни йиғиш, илмий нуқтаи назардан ўрганиш, тадқиқ қилиш жаҳон фольклоршунослиги учун ҳам беҳад илмий-назарий ҳамда амалий-ташкилий аҳамиятга молик эканлигини инобатга олган ҳолда «Алпомиш изидан...» халқаро илмий экспедициянинг қанчалик қийинчиликлар, мураккабликлар бўлмасин, ташкил этилиши ва амалга оширилиши ниҳоятда зарур.

Малик МУРОДОВ,
профессор.

Айни пайтда республикамизга чет эл сармояларини жалб этишга катта эътибор берилаётир. Чунончи, мамлакатимизда кўплаб қўшма корхоналар бунёд этилмоқдаки, булар иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмаклашмоқда. Яқинда қадимий Самарқанд шаҳрида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси бунёд этилганлиги фикримизнинг далилидир. Бу ерда ҳаммага таниқли бўлган спагеттидан ташқари денгиз орти мамлакатида тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг яна беш турини тайёрлаш йўлга қўйилди. Лумаше, гобетта, фузули деб номланган Италия ошхонаси таомлари кўпчиликка манзур бўлиши турган гап. Италиядан келтирилган технология ва қурилмалар ёрдамида қўшма корхона мутахассислари ойига 320 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқаришлари мумкин. Харидорлар талабини ҳисобга олган корхона муассислари Тошкент, Нукус ҳамда мамлакатимизнинг вилоят марказларида ўзларининг фирма дўконларини очишди. Маҳсулотнинг анчагина қисмини эса Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Туркманистон савдо ташкилотлари сотиб олишаётир.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг технология участкасида.

Т.НУРМУҲАММАД олган сурат.

КАЛИШМИ, Ё ...

Афанди дарё лабида таҳорат олаётганида сув калишини оқизиб кетибди. Шунда ҳафсаласи пир бўлган Афанди «ол таҳоратингни, бер калишимни», деб юборган экан. Юртимизга «меҳмон» бўлиб келаётган қозоғистонлик фуқаро С. Б.нинг қилмиши ҳам Афандининг ношудлигидан минг чандон ошиб тушди. У Уфа шаҳридан 9 минг жуфт калишни «КамАЗ» машинасида Тошкентга олиб келаётган эди.

Катта бир мавзенинг аҳолиси оёғини бут қиладиган, 3 миллион 825 минг сўм баҳосидаги калишни ортиб олган машина ярим тунда пастқам йўллардан шаҳарга киришга уринаётган эди.

3-Халқобод божхона пости бошлиғи хизмат майори Б. Ҳакимов, назоратчилар Қ. Шокиржонов ва А. Мамутовлар шубҳали бу машинани ушлаб текширдилар. Ундан бирорта расмий ҳужжат топилмади.

Калишфуруш «меҳмон»нинг фирибгарлиги судда кўрилди. 182-модданинг 1-қисми «А» банди бўйича жиноий ишга яқун ясалди. Натижада 67 минг сўм жарима ундирилиб, калишлар давлат фойдасига мусодара этилди.

Ботир ҲУСАНБОЕВ.

Партия ҳаётидан

ДИЛДАН ДИЛГА КЎЧАЁТГАН НУР

Бугунги кунда Бухорои шарифда ўнга яқин миллий-маданий марказлар ташкил этилган ва уларнинг фаолияти нурга қиёсланади. Сабаби, азим ва кўҳна шаҳарда яшовчи ўнлаб миллат ва элат вакиллари ана шу марказлар орқали ўз миллий қадриятлари, анъаналарини бўй-бастлари билан кўрибгина қолмай, балки бир-бирларидан ўрганаяптилар.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши форс-тожик, рус, туркман, бошқирд, татар, яҳудий, арман, немис каби миллий-маданий марказларнинг фаоллари иштирокида қардошлик маросимини ўтказди. Оила йилига бағишлаб ўтказилган суҳбатда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Робия Козимова, Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камолов, корейс миллий-маданий маркази раиси В.Чжен, туркман миллий-маданий маркази раиси Комил Шаҳриев ҳамда форс-тожик оилаларнинг энг ибратли соҳибалари Самия Фозилова, Зуҳра Қосимовалар сўз олиб, куч-қудрат дўстлик, биродарликда эканлигини, ҳозирги тинч-барқарорлик миллатлар-иноқлиги туфайлилигини уқтирдилар. Кудаанда бўлиб кетган турли миллат вакиллари бундан буён ҳам қўлни-қўлга бериб ишлашларига амин эканликларини изҳор этдилар.

Кўнгил кўнгилдан сув ичган бу анжуманда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ж.Нуруллаев қатнашди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ—ЭЪТИБОРДА

Бир оғиз ширин сўз кўнгилларга қувонч бахш этади. Ҳаётга муҳаббат уйғотади. Кексаларни йўқлаш, беморлардан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш, ногиронларга мурувват авлоддан авлодга ўтиб келаётган боқий анъанадир.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ҳам аҳоли ижтимоий ҳимояси масалаларига доимо эътибор бермоқда. Шу мақсадда қатор ташкилот, муассаса, идора ҳамда жамғармалар бўлимлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ҳар доим режали иш тутиляпти. Ибратли тажрибалар кенг ёйиляпти. Шу кунларда партия фаоллари йиғилишига вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Қ.Ибодуллаев таклиф этилди. У фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Президентимиз, давлатимиз томонидан ночор оилалар, кексалар, ногиронлар ижтимоий ҳимояга олинганлиги билан боғлиқ қонунлар устуворлигини таъминлаш эътиборда бўлаётганини таъкидлаб ўтди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

- ***Кремль сабоқлари***
- ***Келажакка ишонмаган одам пора олади***
- ***Президент Фармони — тадбиркорга мадад***
- ***Ёшларга таяниб уфққа қараймиз***

МАНФААТ

Азал-азалдан кишилик жамиятини бошқаришда мулк эгалари етакчи роль ўйнаган, негаки, улар ўз бойликларини иҳоталаш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишган. Фақат пролетар ва коммунистларгина ялангоёқлар синфига таянишди, сабаби уларнинг мол-мулки йўқ эди ва даставвал бойларни қулоқ, бадарға, сургун ва қатли ом қилиш эвазига қуч тўплай бошладилар. Тасарруф этилган ерлар ҳамда бойликлар партияники, алал оқибат умумники эди. Бу умум бойликни ялангоёқ сарҳисоб этолмасди, шунинг учун у мавҳум бир бойликка кўр-кўрона ишонар, коммунизм бўлгач, асқотиб қолар деб ўйларди. Бу бойликнинг улканлигига у шубҳа қилмасди, дунё миқёсида коммунистик жабҳанинг авж олаётганидан қувонар, шу сабаб ўшалар ҳаракатини жонлантириш учун Кремлдан оқиб бораётган пулларга ачиниб ўтирмасди. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» жон қуйдираётганига ҳам гумонсираб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Сабаби коммунистик мафкура унинг қулоғини том битириб, кўзига асал суриб қўйган эди: «Олдинда порлоқ келажак — коммунизм ястаниб ётибди. Нари борса, у Брежнев айтганидай, 80-йилларнинг сўнггига бориб пешвоз чиқади. Дунёда миллат ҳам, энг муҳими, пул ҳам йўқолади. Бойлик ошиб-тошиб ётади, демак, дўкон мудири қаққайиб ўтириши ҳам шарт эмас — ахир, ўғирлик бўлмагандан кейин унга зарурат йўқ-да, боз устига, товарларни ҳаммамиз ишлаб чиқарган бўлсак, талашишга ҳожат ҳам бўлмайди. Ейишга оғиз ва бинойидек ошқозон бўлса, бас. Ундан кейин... коммунистик ахлоқ кодексига амал қилган ҳолда... барчамиз бир тўшакда ётаверсак ҳам бўлаверади...»

Бу бир чапани, анди одамнинггина эмас, барча комсомолларнинг (сабаби у партиянинг муносиб ўринбосари), миллионлаб меҳнаткашларнинг ишончорзусига айланиб бўлган ёқимтой мафкура эди. «Ёвуз бойлар» гумдон бўлган», бундан буёғига софдил партиянинг кўмагида фақат ёруғ кунлар бўлаверишига заррача гумон қилиб ўтирмасди.

Партия раҳнамолари эса коммунизмга мутлақо ишонмасди. Ўзи аъзо бўлган фирқанинг ёвузлигидан чўчиб баландпарвоз сўзлашга мажбур эди, холос. Акс ҳолда... қисмати тайин эди.

Иқтисод ҳам шунга яраша — сиёсий иқтисод эди. Республикамиз мустақилликка эришган кезлари унинг иқтисодини авайлаш бош мақсадлардан бири бўлиб, дарҳол бозор муносабатларига ўтиш йўли танланди. Бундан бошқачароқ кўринишдаги услуб бўлиши ҳам мумкин эмасди. Боқимандалик тафаккурини давом эттириш эса кечаги кунимизни такрорланишига олиб келарди. Аммо, бизнинг энг катта ютуғимиз шунда бўлдики, маънавиятимиздаги ислоҳотлар иқтисодий ислоҳотлар билан қарийб баравар бошланди. Ва, ҳозирга келиб, айтиш мумкинки, ижтимоий соҳада ҳам, кадрлар тизими ҳамда олий ва халқ таълими соҳасида ҳам бирдай йўналиш белгиланди, яъни комплекс ривожланиш босқичига ўтилди.

Аммо, Президентимиз бот-бот таъкидлаганларидек, тафаккур янгиланишига эришиш ниҳоятда қийин кечаяпти. Бу қийинчилик барча соҳада бор. Тайёр ошга баковул бўлиб юриш кайфиятида юрганлар оз эмас.

Илгари комфирқа раҳбарлари биз юқорида «ялангоёқлар» деб атаган ишчи-деҳқонлар синфи муттасил шу маромда ишлайвериши, яъни ўлмаган қул эканлигига суянишарди. Партиянинг қудратини шулар ва мафкурага суяниб ушлаб туравераркиз деб ўйлашарди. Афсуски, зўраки боғланган занжирлар барибир узилиб кетди.

Айни замонамизда ўзибўларчилик, сансалорлик, боқимандачилик, сиздан ўгинабиздан бўгина кайфиятидаги кишилар ўша давр касаллигидан қутула олмаган беморлардир. Тузаладиларми улар? Уларнинг зарарли жиҳатлари нималарда кўринади: бўлаётган ўзгаришлар, қилинаётган ислоҳотлар ва бошланаётган буюк ишларга бефарқликда;

бирато́ла тайёр нарсаларга эга бўлишни қўмсаш, жойлардаги раҳбарлардан шуни талаб қилиш;

ҳаракатсизлик, шикоятбозлик, ўзгалар ишига халал бериш;

тарбия, таълим, демакки, келгусига ҳам ишонмаслик, энди бариси ўтди деган тушкунлик;

ҳаракатчан ёшлар саъй-ҳаракатларига беписандлик;

интилмаса эртанги куни ёруғ бўлмаслигини тушунмаслик ва ҳоказо салбий иллатлардан қутулолмаган беморлар улар.

Ачинарлиси шундаки, кечаги кайфият билан улар бугунги ёшлар руҳиятида ишончсизлик туйғусини уйғотадилар, орзуманд ёшлар фаолиятини сустлаштирадилар, кайфиятини бузадилар.

Мансаб отига минганлари эса очиқдан-очиқ тўсқинлик қиладилар, ўта иззатталаб ва манфаатпараст бўлиб олишган. Натижада улар бош бўлган жойларда порахўрлик шаклланди. Порахўрлик эса келажакка буткул ишонмайдиган кишилар иллати.

Ёш бир деҳқон хўжалиги раҳбарини биламан. Жуда ишчан, серғайрат йигит. Аввал колхозда ҳосилот бўлиб ишлаган. Деҳқончиликнинг кўзини билади. Унинг айтишича, туман раҳбари деҳқон фермер хўжалиги учун сув чиқмайдиган, нотекис, унумсиз ерни берган. Сабаби, мен раҳбарга пора бермадим, деб изоҳлайди у. «Оқибат куз келганда биз учун ғалла уруғи ажратмади, вилоят раҳбарига чиқишга мажбур бўлдим, у кишининг кўрсатмаси билан етарли миқдорда 100 тонна уруғлик берилди, аммо туман раҳбари тағин ғирромлик қилди: ўша 100 тоннанинг 70 тоннасини бошқаларга бериб юборди. Мен бир амаллаб бошқалардан қарз-ҳавола қилиб уруғни чала ярим экиб бўлдим. Янги хўжалик учун ажра-

АҚЛ ТЕЗ ПИШАР

ХАЛҚ МАҚОЛИДА

соний меҳр ва эътибор билан муносабатнинг гувоҳи бўлдик. Давлат бюджетидан ажратилаётган ушбу маблағ ўз вақтида эгаларига етиб бораётганлигининг аҳамияти барчага тушунарли. Бу, биринчидан, моддий мададга муҳтож оилаларга қувват бўлса, иккинчидан, одамлар олаётган маблағлари мисолида ҳукуматимизнинг инсонпарвар сиёсатини ўз ҳаётларида яққол кўришади. Аммо айрим маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари мазкур масала моҳиятини тўла тушуниб етишлари қийин кечаётганга ўхшайди. Мисол учун, Собир Абдулло номли 33-маҳалла (раиси К.Темирбоев)да 1997 йил кам таъминланган оилаларга бериш учун давлат томонидан ажратилган пулдан 74 минг сўм тежаб қолинган. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам анчагина маблағ ўз эгасини топмаган. Алишер Навоий номидаги 36-маҳалла (раиси Р.Насриддинов)да 1997 йилда 54 минг 749 сўм «иқтисод» қилиб қолинган. Ваҳоланки, ушбу маҳаллада расман 23 нафар киши ишсиз деб рўйхатга олинган. Мазкур фактлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини изчил бажарилиши учун маҳаллалар ўз фаолиятини янада кучайтириш шартлигини кўрсатиб турибди.

Қўқонда халқимизнинг қадимий анъанаси—ҳашар оммавий бунёдкорликнинг

5

асоси бўлиб қолганлигини ёшу қари бирдек эътироф этмоқда. Замонавий усулда қурилган ёки бунёд этилаётган маҳалла масканлари, гузарларининг аксарияти халқ ҳашари билан вужудга келган. Обод ва кўркам, боғ-роғларга кўмилган маҳаллаларни кўриб кишининг кўзи қувонади. Маҳаллалар қарийб тўла газлаштирилган.

Албатта, маҳалланинг ташқи кўринишининг халқ онгу тафаккурига таъсирини унутмаган ҳолда, унда яшаётган одамларнинг маънавий дунёси, маърифий эҳтиёжларининг муҳим аҳамиятини ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Шаҳар маҳалла фуқаролари йиғинлари раисларининг кўпчилиги зиёлилар, уларнинг 90 фоизидан зиёди олий маълумотга эга эканлиги диққатимизни тортди. Шу боис бўлса керак, ўтаётган тадбирлар ўзининг маърифий руҳи билан ажралиб туради. Маҳаллаларда «Ободончилик ва озодагарчилик», «Ибратли оила», «Ибратли келин» ва бошқа турли тадбирлар ўтказилаётгани маҳалла аҳлини бир-бирига янада яқинлаштирмоқда, одамларни янгидан-янги эзгу ишларга етакламоқда. Бироқ, «Ширин» номли 54-маҳалла идорасига кираверишда собиқ КПССнинг 1985-1986 йиллардаги «машҳур» «Жадаллаштириш ва қайта қуриш давр талаби» шиори истиқлолнинг еттинчи йилида ҳамон қўр тўкиб турибди. Ёки аҳолисининг юз фоизи ўзбек бўлган, қадимий 23-маҳаллада ҳануз «Ташкентская», «Фурмонова» каби русча лавҳалар кўчалар номини ифодалаб турганлиги ҳар қандай кишига эриш туюлса керак.

Шаҳарда 35 мингга яқин мактаб ўқувчиси бор. (Умуман олганда аҳолининг асосий қисмини 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади). Бу рақамлар шаҳар истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатиши билан бир қаторда, келгуси тараққиёт режалари ана шу ёшларни ўқитиш, касб-ҳунар ўргатиш,

6

иш билан таъминлашни ҳам кўзда тутиши даркор. Маҳалла ва мактаб муносабатлари бугун ҳаёт олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқмоғи даркор. Аввало, болаларни ўқувчилик давриданоқ мустақил шахс сифатида шакллантириш, чуқур билим бериш билан бир қаторда касб-ҳунарга йўналтириш ишида мураббийларга маҳалла зиёлилари, фаоллари, оқсоқоллар кўмакчи ва маслаҳатчи бўлишларини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

— Одобли, билимли бола нафақат мактаб, балки маҳалланинг ҳам кўрки ва фахридир, — дейди шаҳар маҳаллалар кенгашининг раиси Ҳакимжон ака Умаров. — Маҳаллалар билан халқ таълими бўлими ўртасида ҳамкорлик айниқса, кейинги пайтда ривож топмоқда. Маҳалла бошқаруви тизими жорий қилинганидан, биз ўз фаолиятимизнинг асосий йўналишини мактаб муаммоларига қаратдик. Талай ижобий ишлар билан бир қаторда маҳалла, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эътиборидан четда қолаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маҳаллалар кўчаларида одамлар билан суҳбатлашиб юрганимизда бир ҳолат диққатимизни тортди. Мактабдан қайтаётган 9—10 ёшлар чамаси бир неча ўспирин «жумага кечикяпмиз» деб, шошиб бир-бирига гап уқтирар эди. Ҳамроҳларимиз ҳам масжидларни тўлдириб ўтирганларнинг кўпчилиги 10—14 ёш атрофидаги болалар эканлигини таъкидлашди. Албатта масжидга бориш ҳар кимнинг ихтиёри. Бунга ҳеч қандай монеълик йўқ. Бироқ мактаб ўқувчиларининг асосий вазифаси чуқур билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш эмасми. Болани тўла банд қилиш, унинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун мактабларда турли тўгараклар, дарсдан ташқари ўқишлар, хорижий тиллардан сабоқ берадиган ёки бирор-бир касбни ўргатадиган курслар ташкил қилишнинг ило-

7

жи-ю имкони мавжуд-ку, ахир. Ўзбекистон ҳукумати миллий кадрлар тайёрлашга, халқ таълимидаги ислоҳотларни янада кучайтириш, ёшларни тараққий этган давлатларда ўқитиш йўлида изчил ва устувор сиёсат юргизаётган бир пайтда, ўқувчиларни яратилган имкониятлардан четда ушлашга, уларнинг руҳий интилишлари ва муаммоларига бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Юқоридаги фактлар бир қарашда майда, арзимас нарсалар бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳаёт катта хато ва фожиаларга лоқайдлик, бепарволик сабаб бўлишини кўрсатмоқда.

Айни пайтда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо-масалаларни ҳал қилиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги кенг миқёсли ишларни амалга оширишга киришди. Маҳалла фуқаролари йиғинлари идоралари, ҳужжатлари тартибга солинмоқда, маҳалланинг жамоат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва мактаб билан ало-

8

Мустақиллик мезонлари

қаси мустаҳкамланмоқда, энг муҳими одамларнинг ташвиш-муаммоларига янада эътиборлироқ бўлишга интилиш сезилмоқда. Мамлакатимизда муваффақият билан ўтказилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар халқ ҳаётига нечоғлик кириб бораётганлиги, одамлар тафаккурида қандай ўзгариш ясаётганлигининг ёрқин ойинаси бўлган маҳаллада — фарзандларимиз, қолаверса бутун давлатимиз келажак тақдири ҳал бўлаётганлигини зинҳор унутмаслигимиз зарур. Мақолага нуқта қуяр эканман, яна Анваржон ота гапларини эслайман: маҳалла одамда ғурур, ориятни тарбиялайди. Ориятли одам жамики нопокликлардан ҳазар қилади, маҳаллакўй, элу юрт ташвиши билан яшаб, иши ва сўзи билан ибрату имтиҳон бўлади...

Жалолиддин САФОЕВ

КАТТА «САККИЗЛИК»ДА НИМА ГАП?

Илгари хабар қилганимиздек, Буюк Британиянинг йирик саноат шаҳарларидан бири Бирмингемда катта «саккизлик» мамлакатларининг саммити бўлиб ўтди. Саноати ривожланган йирик давлатларнинг раҳбарлари 15-17 май кунлари дунёдаги энг муҳим муаммоларни муҳокама қилишди. Учрашув сўнггида якунловчи ҳужжат тарқатилди. Ўн саҳифали ушбу ҳужжатда таъкидланишича, саммит иштирокчилари анжуман жараёнида бутун дунёдаги иқтисодий ўсиш жараёнини муҳокама қилишган. Айниқса, «саккизлик» мамлакатларидаги иқтисодий ўсишга алоҳида эътибор берилган. Миллатлараро жиноятчиликка ва гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига эътибор қаратилган. Ҳуқуқ-тартибни бузиш ва одамларнинг эркин яшашига халақит берадиган бошқа муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Асосий ҳужжатда Осиёдаги молиявий инқирозга алоҳида тўхталиб ўтилган. Чунки ушбу муаммога алоҳида эътибор бермасликнинг ҳам иложи йўқ эди. Ахир Осиёда бошланган иқтисодий инқироз умумий иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга путур етказиши мумкин эди-да. Шу боис ҳам «саккизлик» раҳбарлари Осиё минтақасида иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

Саммитда қашшоқ мамлакатларга, айниқса, Африкадаги қолоқ давлатларга ёрдам бериш масаласи кўриб чиқилди. Чунки, бу ерда пайдо бўлган жиддий муаммолар бутун инсоният ҳал қилиши зарур бўлган муаммолардир. «Саккизлик» раҳбарлари ушбу мамлакатларга ёрдам бериш йўлидан бориб аниқ самарали ҳамкорлик қилишга, бу ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

Учрашув иштирокчиларининг фикрича, энергия бозорини самарали ривожлантириш келгусида барча мамлакатлардаги иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашади. Шу муносабат билан «саккизлик» мамлакатлари энергетика вазирларининг шу йилнинг апрель ойида Москвада бўлиб ўтган учрашувини улар қониқиш билан кутиб олишди. Эндиликда «саккизлик» гуруҳи доирасида энергетика муаммолари бўйича ҳамкорлик қилиш давом эттирилади. Асосий ҳужжатнинг энергетикага бағишланган бўлимида: «Биз ядровий хавфсизлик бўйича «саккизлик»нинг ишчи гуруҳи фаолиятида Россияга алоҳида ўрин берамиз» дейилади.

Ҳужжатда қитъалараро жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига ҳам эътибор берилади. Яқин икки йил ичида қитъалараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича БМТнинг махсус конвенциясига имзо чекилишига эришиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу албатта ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг халқаро миқёсда фаолият кўрсатишлари учун қўшимча ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Давлат раҳбарлари қитъалараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича «саккизлик»нинг вазирлари ўртасидаги учрашувни 1999 йилда Москвада ўтказиш ҳақидаги Россиянинг таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ҳужжатда айтилишича, «саккизлик»нинг келгуси мажлиси Германиянинг Кельн шаҳрида 18-20 июнь кунлари ўтказилади.

Индонезия Президенти Сухарто мамлакатда юз бериб турган оммавий тўполонларга қарамай, Мисрга ташриф буюрган эди. Бироқ, бу ташриф узоққа чўзилмади. У тезда ватанига қайтишга мажбур бўлди. Сухартони аэропортда мамлакат вице-президенти Юсуф Ҳабибий ва мудофаа вазири генерал Виранто кутиб олишди.

***

Афғонистоннинг шимолий шарқидаги Тоҳар вилоятидан бир-бирига қарама қарши турли хабарлар келиб турибди. Айрим хабарларга кўра, генерал Ахмадшоҳ Масъуд қўшинлари Ишкемиш шаҳрини эгаллаб олишган. Бироқ, бошқа агентликларнинг хабарига кўра бу шаҳар ҳамон толиблар назоратида. Тоҳар ва Кундуз вилоятлари оралиғида эса қақшатқич жанглар давом этмоқда. Икки томондан 17 киши қурбон бўлган. Масъуд жангчиларидан 100 киши асирга олинган.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ



Гавай оролларидаги Гонолулу шаҳри кўчаларида

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили айрим матбуот органларида тарқатилган хабарни қатъиян рад этди. Ушбу хабарга кўра гўё Покистон ядро қуролини синовдан ўтказганмиш. Булар ёлғон-яшиқ, миш-миш гаплардир, деди Покистон ташқи сиёсат маҳкамасининг расмий вакили.

АҚШ Президентининг Миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Семуэл Бергер кеча Американинг Исломободдаги элчиси билан телефон орқали гаплашиб, Покистонда ядро портлатиши ўтказилмаганлигини билиб олди. Билл Клинтонни сафари давомида кузатиб келган Бергер Эн-Би-Си телекомпанияси орқали тўғридан-тўғри сўзга чиқиб Покистондаги вазиятни диққат билан кузатишга ҳаракат қилишини айтди. Унинг айтишига кўра Исломобод Ҳиндистондан ўрнак олиб, ядро портлатишини амалга оширмайди. Америка Президентининг маслаҳатчиси АҚШ бундан буён Ҳиндистон билан дипломатик муносабатларни тўхтатишни мўлжаллаётгани йўқ ва Билл Клинтоннинг шу йилнинг охирида Деҳлига қилиши мумкин бўлган сафарини ҳам бекор қилгани йўқ. АҚШ Президенти ноябрь ойида Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешга сафар қилади. Шу боис ҳам яқин етти ой ичида маъмурият ушбу минтақадаги вазиятни диққат билан кузатиб туради.

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТИ КЕНГАЯДИ

Келаси йил Арманистонда парламент сайлови билан бирга республика Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида умумхалқ референдуми ҳам бўлиб ўтади.

Арманистон парламенти раиси Хусрав Арутюнянниг айтишича, мамлакат асосий қонунига муайян ўзгартишлар киритилганидан сўнг парламент ваколати кенгаяди.

ТЕЛЕВИЗОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

Тўқмоқ шаҳридаги «Ак-Мара» акционерлик жамияти ишчилари телевизорларнинг тўрт моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Янги телевизорлар учун бутловчи қисмлар Жанубий Кореядан келтирилади. Янги соҳа тўла ўзлаштирилгач, йилига саксон минг телевизор ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

ЯПОНИЯ ФУҚАРОЛАРИ ЧАҚИРИБ ОЛИНМОҚДА

Индонезиядаги тартибсизликлар туфайли Япония ушбу мамлакатда ўз фуқароларини чақириб олишга қарор қилди. Ҳозиргача 13 минг японияник ҳарбий ҳаво кучлари самолётларида ўз юртига қайтиб келди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 19 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун горижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	54,26
1 Австрия шиллинги	6,93
1 Англия фунт стерлинги	141,19
10 Бельгия франки	23,65
1 Голландия гульдени	43,30
10 Греция драхмаси	2,82
1 Дания кронаси	12,82
1 БАА дирхами	23,67
1 АҚШ доллари	86,95
1 Миср фунти	25,55
1 Ирландия фунти	122,38
1 Исландия кронаси	1,22
10 Испания песети	5,74
100 Италия лираси	4,95
1 Канада доллари	59,98
10 Хитой юани	10,50
1 Қувайт динори	288,20
100 Ливан фунти	5,75
1 Малайзия рингити	22,70
1 Германия маркаси	48,79
1 Норвегия кронаси	11,64
1 Польша злотийси	25,50
10 Португалия эскудоси	4,77
1 Сингапур доллари	52,47
1 СДР	116,79
1000 Туркия лираси	0,34
1 Финляндия маркаси	16,07
1 Франция франки	14,55
1 Швеция кронаси	11,26
1 Швейцария франки	58,59
1 ЭКЮ	96,02
10 Жанубий Корея вони	0,60
10 Япония иенаси	6,45
1 Россия рубли	14,15
1 Украина гривнаси	42,46
1000 Беларусь рубли	2,47
1 Латвия лати	146,13
1 Литва лити	21,74
1 Молдава лейи	18.39
1 Қиргизистон соми	4,55

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ВА БУРЧ

тилган бир миллион сўм маблағни, мана, кўклам келгач, ишлатишга йўл бермаяпти. Банкка борсам, банк бошқарувчиси: «Ҳоким унинг пулини ҳеч қаерга ўтказмайсан, деб тайинлаб кўйди, бориб ўзи билан гаплаш», деб кулди. Ҳокимга борсам, мендан юз эллик минг сўм пора сўради. Жаҳлим чиқиб қаёқдан оламан шунча пулни, дедим, Бўлмаса билганингни қил, у ёқ-бу ёққа чопсанг, прокурорга айтиб, уйингга наша ташлатиб қаматиб юбораман, дея таҳдид қилди. Бу ёғи чигит экиш вақти келди, техника учун пул ажратишим керак, одамларга маош беришим керак. Банкка борсам, бояги аҳвол. Бизда шунақа, дўстим. Бизнес-фонддан пул олар бўлсанг, фалон фоизини аввалдан нақд порага сўрайди, бермасанг пул бермайди. Сўраганини бериб пул туширганингдан сўнг ҳокимнинг тамоғи тақиллаб туради. Аҳволни тушунтирай деб вилоят ҳокимига ҳар куни эшик қоқиб киравермайсан-ку. Лекин бусиз иш ҳам битмайди. Тошкентда бунақа бўлмаса керак-а, ҳар ҳолда пойтахт-ку?»

Биз атайлаб деҳқон хўжалиги раҳбарининг исм-шарифи ва манзилини айтмадик. Сабаби, у «бу гапни газетада ёзсангиз, умрим жавоб бериш билан ўтиб кетади, аммо бор гап шу», деди. Шу сабаб у киши ҳақида тўлиқ маълумот бермадик.

Муҳтарам Президентимиз ҳозирги ҳаракатларимизда уч тоифа кишилар бор: биринчиси, курашчи, иккинчиси иштирокчи ва учинчиси томошабин деган эдилар. Юқорида зикр этилган раҳбар нафақат томошабин, балки тўсқинлик қилувчидир. Шунинг учун ҳам у ерда на ободончиликка эътибор берилади, на бошқа ишлар юришади. Таъкидлаганимиздек, пора олувчилар эртанги кунга ўзлари ишонмайдиган кимсалардир. Мансаб отига миндингми, ундирадиганингни ундириб қол, бўлмаса, эртага эгардан

4

тушгач, пушаймон бўласан, деб ўйлашади. Бу эса ёшлар онгига, маънавиятига нақадар ёмон таъсир қилишини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Албатта, раҳбар умумий йиғилишларда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда «сиёсий хато» қилмасдан гапиради. Фармонларни бажариш учун чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади, сўнг ҳисобот беради. Аммо, ўз манфаати учун қилаётган бояги хатти-ҳаракатлари эса одамларда ўз-ўзидан ишончсизлик туғдиради. Куйиниб эмас, куйинганга ўхшаб гапираётганини билиб ўтиришади. Бировга қараб дўқ ургудай бўлса, шундан таъма қиляпти, «каттанинг хизматини қилмаган экан-да, баччагар», — дейишади. «Катта»нинг мажлисидан чиққандан сўнг бошқалар ҳам дўқ эшитмасликка ҳаракат қилишади...

Иллат шу ерда. Эътироз билдириш шижоати шу таҳлит синдирилади.

Юқорида биз бир мисол теварагида мулоҳаза юритдик. Бу, албатта, онгий ислоҳотлар осонлик билан кечмаётганини кўрсатади. Лекин, умуман олганда жамиятимизда, айниқса, ёшлар тафаккурида бўлаётган ўзгаришлар кечагидан бугун кескин фарқ қилади.

Қўшработнинг тоғли қишлоғида истиқомат қилаётган синфдошим Бойтемир Ғаниев шундай деб қолди:

— Мен гувоҳи бўлаётган энг муҳим нарса шуки, одамлар бугун ишлаш ва фақат ишлаш кераклигини тушуниб етишди. Биласан, бизда ерлар асосан лалмикор, унумсиз, нотекис дашт жойлардан иборат. Шунақа жойдан мен ҳам 20 гектар ер олиб фермер хўжалиги тузиб олдим. Бултур йил яхши келди. Кўзланган ҳосилни йиғиштириб олдик. Бу йил ундан кўпроқ ғалла оламиз деб ҳаракат қиляпмиз. Вақтида ўғитладик, намгарчиликни худо бериб турибди. Манфаатдорлик ҳам меҳнатга яраша бўляпти.

Яқинда Президентимизнинг «Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда айтилган иш ўринларини кўпайтиришдан тортиб чет эл сармояларини жалб этиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш каби

5

қатор янгиликлар тадбиркорлар фаолиятига кўмакдош бўлиши шубҳасиз. Ишчан, тадбиркорлик майдонини тағин ҳам кенгайтиришга киришган фаол ишбилармонлар ўзлари учун янги уфқлар очилганидан хурсанд бўлишса арзийди.

Асосий мақсад — борабора жамиятда мулкдорлар синфини кучайтириб, мулк эгалари сонини кўпайтириш, пировард натижада жамият фаровонлигини ошириш. Мулк эгалари энг фаол кучга айланади, аввало у ўз мулкини ҳимоя қилади, ҳимоя қилиш ва саъй-ҳаракатлари бораборида бошқаларни ҳам жалб этади. Шу орқали ўзининг имконияти доираларини кенгайтиради. Қараб туриб томошабин эса фақат ютқазади. У ҳам жиллақурса ўзи мулк эгаси бўлишга ҳаракат қилиши керак.

Бизнес, тадбиркорлик тушунчаларига яқин ўтмишда ҳам кўзимизни олайтириб қараганмиз. Савдогарга бўлган муносабатимиз қишлоққа майда-чуйда олиб келиб пулловчи атторга бўлган муносабатимиздан нарига ўтмаган.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ пайдо бўлган хусусий тадбиркорлик

Ислоҳот ва масъулият

ортидан, мана, қарабсизки, товар ишлаб чиқарувчи ишбилармонлар ва товарлар ўртасида рақобат деган нарса пайдо бўляпти. Аста-секинлик билан бўлса-да, шаклланяпти. Яхши-ку бу! Эртага улар ўтмас моллар ишлаб чиқараётганларни бозордан сиқиб чиқара оладилар. Ўтмас мол эгаси эса акцияси синмаслиги учун жон-жаҳди билан интилади. Натижада сифатли моллар пайдо бўлади. Сифати юқори бўлса, ички бозорни тўлдирсин, четга сотсин, пулини, имкониятини кўпайтирсин, қўл остидагиларнинг маошини оширсин, бундан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, юртга ҳам фойда-ку.

Пировардида кўзда тутилаётган мақсад манфаатдорликни оширишдан ташқари экспорт имкониятларини кенгайтириш. Зеро, Президентимиз қатъий таъкидлаганларидек, экспорт қилишга эришмаган давлат — қулликка маҳкум!

Собир ЎНАР,
«Ёшлик» журнали бош муҳаррири

6

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВ — 70 ЁШДА

Адолатпешалиги исмининг ўзидаёқ зикр этилган, табиатан мутойибага мойил устоз ҳақида залворли фикр айтиш истаги беғараз ҳазилларга айланди, хотираларнинг маҳобати ғайратимиздан устун келди.

Биз муҳтарам адибни қутлуғ ва табаррук ёш билан табриклаб, таниқли ижодкорларнинг у ҳақдаги фикрларини билишга қизиқдик.

Хўш, Одил ака ҳақида ким қандай ёзади:



САИД АҲМАД:

«Диёнат» сенга бўлсин
«Жим-житлик» менга,
Бардош-ла тингладим
олқишларингни.
Исроил қизи кетиб,
Исмоил ўғли келди --
Дўрмонга юборма
оққушларингни...

ШУКРУЛЛО:

Шоирга қийиндир, жуда
ҳам қийин,
Гоҳо ўзи кўнса, кўнмас
хотини.
Адл ўлчовига махраж
топсайдик --
Одил деб қўярдик унинг
отини.

ЭРКИН ВОҲИДОВ:

«Улуғбек хазинаси»
тарқалиб кетди,
«Оппоқ-оқ қушлар»дек
кенг жаҳон бўйлаб.
Насримиз султони бул
кун безовта --
Туркистон умумий уйини
ўйлаб.

РАУФ ПАРФИ:

Одил ака рўмонни
яратганлар тўқимаганлар,
Адибимиз қаришти дер
«Диёнат»ни ўқимаганлар.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ:

Қаҳҳорнинг қўлидан нон
-- туз тоттанмиз,
Елкага аския, масал
ортганмиз.
Қарноқий бобога
ихлосимиз зўр --
Билмадим аслида кимга
тортганмиз.

НОСИР ФОЗИЛОВ:

Сочимиз оппоқдир,
кўнглимиз ҳам оқ,
Бизга ишлатилган энг
майин тупроқ.
Қозоқлар сарт дейди,
ўзбаклар қозоқ --
Аслида биз учун жопон
маъқулроқ.

ОМОН МАТЖОН:

Ҳазрат Алишерни
варағлаб бир тун,
Сўз топдим безовта
руҳимга доир.
«Адолат манзили»
мақсадимиздир --
Ватан ичидаги ботирдир
шоир.

НЕЪМАТ АМИНОВ:

Дунё неъмати шу,
бўлингиз амин,
Ҳеч нарса тенг келмас
самимиятга.
Ишлар беш бўлғуси, сира
гумон йўқ --
«Диёнат» бош қўшса
маънавиятга.

АБДУСАИД КЎЧИМОВ:

Курашлардан иборат ҳаёт,
Кураш кетар ошкора,
пинҳон.
Кўксингда «Диёнат»
бўлмаса --
Беҳудадир ойнаи жаҳон.

РАҲИМЖОН ОТА УЛИ:

Шўролар кўпларни сағир,
тул қилди,
Бор -- буддан ажралиб,
қулоқ, қул бўлдим...
Истиқлолга раҳмат
«Диёнат» қайтди --
Кўриб турибсизки: Ота Ул
бўлдим.

МАЪРУФ ЖАЛИЛ:

Оққан дарё оқмасдан
қолмас,
Баҳор келса, ирмоқлар
тўлса.
Жўшиб оқар айниқса
ундан --
Одил ака сув ичган бўлса.

УСМОН АЗИМ:

Навоий бобомиз вазир
ҳам бўлган,
Ҳаққу адолатга нозир ҳам
бўлган.
Ки, қалам аҳлига ётдир
манфаат,
Ҳақиқат ёнида ҳазил
ҳам бўлган.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ:

Юртларнинг ичида
севдим Бойсунни,
Ойларнинг ичида севдим
саврни.
Одил ака тўй қилса
Қарноққа қадар
Миниб борадирман
«Динозавр»ни.

СОБИР ЎНАР:

Дуою -- дуррудлар мўл
бўлса
Тумандай тарқалур
ғашликлар.
«Биллур қандилларга»
тикилсанг --
Улғаяверади «Ёшлик»лар.

Ҳашар ҳазиллари муаллифи Ҳамроқул АСҚАР

Мажнунтолни маъюс деманг, Муҳаббатнинг ҳайкали у. Сирлар айтинг, сирингизни — Ўз сиридек асрар оҳу!

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ЯХШИЛАР ЁДИ

Янги кунлар жилоси

Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан микробиолог олим, академик Асқар Холмуродов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Асқар Холмуродов номидаги стипендия таъсис этилди. Мазкур стипендия республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, илм-фаннинг ривожига ҳисса қўшаётган аълочи талабаларга бериладиган бўлди.

Тошкент Давлат университетининг биология факультетининг 3-босқич талабаси Дилфуза Баҳромова ва Тошкент педиатрия-медицина институтининг 5-босқич талабаси Муқаддам Муҳаммадиевалар стипендиянинг илк соҳиблари бўлишди.

Азамат СУЮНОВ

ДУРАНГНИ ПИСАНД ҚИЛМАЙ

Футбол

Олий табақа жамоалари мавқеини кўрсатувчи ўйинлар жадвалида битта «0» бор. Бу Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасига тегишли. Жиззахликлар кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни қувонтиришаётгани сир эмас. Уларнинг кетма-кет ғалабалардан кейин 21 та очко билан пешқадамлик қилишгани ҳам шундан. Зеро, бу жамоа, мана, 10 турдан бери ё ғалаба, ё мағлубият «ошноси» бўлиб турибди. Афсуски, дурангни писанд қилмаслик бу жамоага панд бердиёв. Гап шундаки, «Сўғдиёна» сўнгги поғоналардан бирини эгаллаб турган «Металлург» майдонида ўйнаб, кутилмаганда 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Пахтакорчилар эса кучлилар даврасида бўлишни орзу қилаётган «Дўстлик» футболчиларини қабул қилиб, ғалаба (2:1) қозонишди. Бу ютуқ пойтахтликларни яна карвонбоши бўлиб олишларига йўл очди.

Ўнинчи тур ўйинлари эса кеча МҲСК -- «Нефтчи», «Навбаҳор» -- «Андижон» жамоалари ўртасидаги учрашувлар билан якунланди. Бу турда «Насаф» ўйинчилари ўз майдонларида тракторсозларни 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 16 та очко билан кучли олтиликка киришди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди:

«Косонсой» -- «Темирйўлчи» -- 2:1, «Зарафшон» -- «Бухоро» -- 4:1, «Хоразм» -- «Сурхон» -- 0:0.

Навбатдаги тур ўйинлари якшанба куни бўлади. Шу куни «Сурхон» -- «Пахтакор», «Сўғдиёна» -- «Хоразм», «Бухоро» -- «Металлург», «Нефтчи» -- «Навбаҳор», «Дўстлик» -- «Насаф» жамоалари майдонга тушадилар.

Яккасарой туманида жойлашган «ПКФ ЭГИЗ» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

«Паркент бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорлари диққатига!

1998 йил 19 июнь соат 16.00 да Ҳамза тумани ҳокимиятининг мажлислар залида «Паркент бозори» ҳиссадорлик жамияти навбатдаги умумий йиғилишини ўтказади.

Кун тартиби:

1. Ҳисоб комиссияси тасдиғи.
2. Мажлис регламенти тасдиғи.
3. Жамиятнинг 1997 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик ҳисоботи.
4. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосаси тўғрисида.
5. Аудиторни тасдиқлаш тўғрисида.
6. 1997 йилги фойда тақсимоти, 1996-97 йилги дивидендлар масаласи.
7. Жамият янги низоми масаласи.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
9. Жамият тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши низомини тасдиғи.
11. Жамият тафтиш комиссияси низомини тасдиғи.
12. Жамият бошқаруви низомини тасдиғи.
13. Жамиятнинг ривожланиш ва қайта қуриш фонди низомини тасдиғи.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.00 дан Ҳамза тумани ҳокимиятида бошланади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 1998 йил 19 май ҳолатига тузилади. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича 67-28-82, 67-28-84 телефонлар орқали маълумотлар олишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Ҳамза тумани, «Паркент» кўчаси, 74-уй.

«Паркент бозори» ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Юсуф ЖЎРАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 28.061 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.40.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА